

ОБЪЕКТНИ ФЙДАЛАНИШГА  
ТАЙЁР ҲОЛДА ҚУРИШГА ДОИР 1 СОНЛИ  
ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

58

«10» октябр 2022 йил

Наманган шаҳри

"Namangan xalqaro aeroporti" МЧЖ 2022 йил «02» августдаги АТ-NMA-59-сонли ишончнома асосида ҳаракат қилувчи директори Қ.Қ.Абдуназаров тимсолида, кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб аталувчи, бир томондан ва «NAMANGAN DAVR QURILISH» МЧЖ директори А.А.Абдуллаев, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб аталувчи иккинчи томондан (иккала томон ҳам кейинчалик томонлар деб юритилади), ушбу пудрат шартномасини тайёр ҳолда қуриш тўғрисида туздилар:

## I. ТАРИФЛАР

1. Мазкур шартномада қуйидаги тарифлар қўлланилади:

**ижро ҳужжатлари** - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

**қурилиш майдони** - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

**вақтинчалик иншоотлар** – “Пудратчи” томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

**беркитиладиган ишлар** - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**шартнома нархини бўлиб чиқиш** - ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

## II. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

2. “Буюртмачи” томонидан олдиндан тайёрланган лойиха смета ҳужжатларига асосан қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади, “Буюртмачи” эса “Пудратчи”га қурилиш ишларини бажариши учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва бажарилган ишларга тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## III. ШАРТНОМА БҲЙИЧА БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР ҚЙЙМАТИ

3. Мазкур шартнома бўйича “Пудратчи” томонидан бажариладиган қурилиш монтаж ишлари қиймати **41379278086 (Қирк бир миллиард уч юз етмиш тўққиз миллион икки юз етмиш саккиз минг сасон олти)** сўмни ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми "Буюртмачи" томонидан белгиланган тартибда ўзгартирилганда;

5. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар “Буюртмачи” билан “Пудратчи” ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

## IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6. Мазкур шартнома бўйича "Пудратчи" ушбу шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:



Барча ишларни мазкур шартномага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг малакали ишчилар билан бажариши ҳамда ишни “Буюртмачи”га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

Қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;

Лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан зарур асбоб-ускуналарни етказилишини таъминлаш;

Лойиҳа қарорлари ва қурилиш меъёрлари ҳамда қоидаларига риоя қилган ҳолда қурилиш-монтаж, маҳсус ишларни вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

Қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар (хожатхона, ювиниш хонаси, ошхона, ётоқхона ваҳоказолар) қуриш;

“Буюртмачи” томонидан ажратилган коммуникация тармоқлари (электр , сув ва х.к) га ўз хисобидан хисоблагич ўрнатиш ва хисоблагич кўрсаткичи бўйича тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

“Буюртмачи”ни ва “Пудратчи”ни қурилишни амалга оширилиши тўғрисида ёзма хабар бериш;

“Буюртмачи”ни ва “Пудратчи”ни қурилиш ишлари амалга оширилиши кузатиб боришга имконият бериш;

“Буюртмачи”ни ва “Пудратчи”ни таклифларини ва шикоятларини инobatга олиб бориш;

Қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтқазилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек вақтинчалик ёритиш чироқлари ўрнатиш;

Қурилиш таваккалчиликларини юқори рейтингга эга бўлган суғурта компаниялари томонидан суғурта қилиш;

Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, вақтинчалик бинолардан бўшатиш ҳамда мунтазам қурилиш чиқиндиларидан тозалаш, ва қурилиши тугалланган бино ва иншоотларни “Буюртмачи”га тоза ҳолда топшириш;

Қурилиш майдони қўриқланишини таъминлаш;

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

7. “Пудратчи” мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар (бу ерда қурилиш ишларига таълуқли бўлмаган ишлар назарда тутилади) ишларни пудратчи томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун “Буюртмачи” олдида тўлиқ мулкый жавоб беради.

## V. БУЮРТМАЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ

8. Мазкур шартномани бажариш учун «Буюртмачи»:

Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича "Пудратчи"га бериш;

Ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган "Пудратчи" томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, "Пудратчи"дан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

"Пудратчи"нинг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

Молиялаштириш жадвалига биноан "Пудратчи"га аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 9 ой давомида “Пудратчи”га ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

## VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

9. Шартномани кучга кириш муддати томонлар тарафидан имзоланиши пайти ҳисобланади;

10. Қурилиш монтаж ишлари уч босқичда амалга оширилади:

I – босқич АВК-2 биносини реконструкция қилиш (под ключ)

II - босқич АВК-1 биносини (ўнг томони) реконструкция қилиш ишлари (под ключ)

III – босқич АВК-1 биносини (чап томони) реконструкция қилиш ишлари (под ключ)



“Буюртмачи” мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвали (1-илова)га мувофиқ биринчи аванс тўлови амалга оширади.

11. Мазкур шартнома бўйича ҚМИ ишларни бажариш жадвали (2-илова)га мувофиқ амалга оширилади.

12. Мазкур шартномага асосан (АВК-1 ва АВК-2 терминаллари) объектнинг тўлиқ “Буюртмачи”га топшириш муддати пудратчига аванс маблағлари тўланган кундан бошлаб **9 ойни** ташкил этади.

## VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

13. “Буюртмачи” “Пудратчи”га шартнома бўйича умумий ишлар қийматининг 15 фоиз миқдорига авансни ўн кун муддат ичида ўтказилади.

14. “Буюртмачи” томонидан “Пудратчи”ни жорий молиялаштириш учун ҳар ойнинг 15 санасигача тақдим этиладиган амалга оширилган қурилиш ишлар нархи (ҳаражатлари) тўғрисидаги ҳисоб-фактура-маълумотномасига асосан банк томонидан қурилиш учун ажратилган маблағлар берилган кундан бошлаб **10 банк иш кунид**а молиялаштириш амалга оширилади.

15. Жорий молиялаштириш (бажарилган ишлар сифати ва ҳажми тасдиқлангандан кейин), берилган авансни амалда бажарилган ҚМИ ҳажмига нисбатан мутаносиб ушлаб қолишни ҳисобга олган ҳолда, объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 95 фоизигача миқдорда амалга оширилади.

16. Объектнинг шартномавий жорий қийматининг қолган 5 фоизини тўлаб бериш “Буюртмачи” ва “Пудратчи” томонидан шикоятлар бўлмаган тақдирда кафолат муддати ўтгандан сўнг амалга оширилади. Кафолат муддати топшириш-қабул қилиш далолатномаси қабул қилувчи ишчи комиссияси томонидан имзоланган кундан бошлаб **12 ой** деб белгиланади.

17. “Пудратчи” объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект “Буюртмачи”га топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи “Пудратчи”нинг зиммасида бўлади.

18. “Буюртмачи” мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, “Пудратчи” бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда “Буюртмачи”ни ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда “Буюртмачи” “Пудратчи” томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

## VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

19. “Буюртмачи” қурилиш майдонида ўз вакилини - техник аудиторни тайинлайди, у “Буюртмачининг” номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек “Пудратчи” томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

20. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

21. “Пудратчи” техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор “Пудратчи” томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

22. “Пудратчи” ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

23. “Пудратчи” объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

24. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш “Пудратчи”нинг вазифаси ҳисобланади.

26. “Буюртмачи” қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун “Пудратчи”га геодезия нуқталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

27. “Пудратчи” геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва булиш уқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар



аниқланса, “Пудратчи” “Буюртмачи” билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

28. “Пудратчи” геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича “Буюртмачи”га беради.

29. “Пудратчи” қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида “Буюртмачи”дан ёзма равишда рухсат олиб, вақтинчалик коммуникацияларни улашни амалга оширади.

30. “Пудратчи” ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

31. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин “Пудратчи” “Буюртмачи”ни ва “Наманган қурилиш назорат инспекциясини” ёзма равишда хабардор қилади.

32. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги “Буюртмачи” ва “Пудратчи” томонидан масъул конструкцияларни оралик қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг “Наманган қурилиш назорат инспекцияси” билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

33. “Пудратчи” “Буюртмачи”нинг ишларни бажариш дафтарида киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

34. Агар беркитиладиган ишлар “Буюртмачи”нинг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича “Пудратчи” “Буюртмачи”нинг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

“Пудратчи” “Буюртмачи”нинг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни “Буюртмачи”нинг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

35. Агар “Буюртмачи” “Пудратчи” ва (ёки) унинг субпудратчилари (бу ерда қурилиш ишларига таълуқли бўлмаган ишлар назарда тутилади) томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда “Пудратчи” ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 34-бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар “Пудратчи” сифатсиз бажарилган ишларни “Буюртмачи” билан келишилган муддатларда тузата олмаса, “Пудратчи” уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни “Буюртмачи”га тўлайди.

36. “Пудратчи” қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини чиқариб ташлайди.

37. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача “Пудратчи” ишларни бажариш журналинини юритади. Журнал шнурланган (тикилган) ва муҳрланган булади. Журналда бутун ишларнинг бориши, “Буюртмачи” ва “Пудратчи”нинг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар “Буюртмачи” ишларнинг бориши ва сифатидан ёки “Пудратчи”нинг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш журналда ўз фикрини баён қилади.

“Пудратчи” журналда “Буюртмачи” томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## IX. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

38. “Пудратчи” ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиши тугалланган объект “Буюртмачи” томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк қурилиш объекти давлат қабул комиссиясига топширилгунича қўриқланишини таъминлайди.

39. Қайта қурилган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулклар объектни “Буюртмачи” қабул қилиб олингунича сақланиши учун ва “Буюртмачи”га



топширилгунга қадар “Пудратчи” жавоб беради.

## **Х. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ**

40. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (зилзила, сув тошқини ва табиий офатлар) амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

41. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда “Пудратчи” ва “Буюртмачи” ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини ёзма равишда муҳокама қиладилар.

42. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## **ХИ. ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ**

43. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади. (ишчи комиссияси ва давлат қабул комиссияси)

44. Объектлар, уларнинг фойдаланишга тайёрилиги тўғрисида “Пудратчи”нинг ёзма билдиришномаси “Буюртмачи” томонидан олинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

45. “Пудратчи” қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин “Буюртмачи”га белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. “Пудратчи” “Буюртмачи”га ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

46. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект “Буюртмачи”нинг мулкига айланади.

46.1. Агар қурилиши битган объектни ишчи комиссиясига топшириш даврида камчиликлар аниқланса, у ҳолда “Пудратчи” барча камчиликларни ўз хисобидан бартараф этади ва ишчи комиссиясига қайтадан тақдим этади.

## **ХИИ. КАФОЛАТЛАР**

47. «Пудратчи»:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

48. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб 12 ой қилиб белгиланади. Объект томининг кафолатли муддати 12 ойни ташкил этади.

49. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар “Пудратчи” томонидан унинг ўз хисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари “Пудратчи” ва “Буюртмачи”нинг икки



томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар “Пудратчи” бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда “Буюртмачи” мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини “Пудратчидан” ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

50. “Пудратчи” нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш "Наманган қурилиш назорат инспекцияси" органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича иқтисодий судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

### ХIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

51. “Буюртмачи” шартномани бекор қилишни қўйидаги ҳолларда талаб қилиш ҳуқуқига эга:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши “Буюртмачи”га боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра “Пудратчи” томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда, “Пудратчи” томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда, ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати “Пудратчи”нинг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда;

“Пудратчи” томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

52 “Буюртмачи” ва “Пудратчи” кучларни енгиб булмайдиган ҳолатларда (зилзила , сув тошқини ва х.к) ихтиёрий равишда иккинчи томонни хабардор қилган ҳолда ишларни тўхтатишга ҳақлидир. Лекин бу ҳолатда шартнома бекор қилинмайди , аксинча шартномани икки томон келишган ҳолда маълум муддатга узайтиради.

53. Шартнома бекор қилинганда “Буюртмачи” ва “Пудратчи”нинг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда “Буюртмачи”га берилади, “Буюртмачи” бажарилган ишлар қийматини “Пудратчи”га тўлайди.

54. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қонунига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

55. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

56. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

### ХIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

57. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган ҳамда қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади ва зарарларни қоплайди.

58. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи “Пудратчи”га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

59. Пеня тўланиши “Буюртмачи”ни шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

60. “Пудратчи” объектни ўз вақтида топшириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

“Буюртмачи” томонидан топилган сифатсиз бажарилган ишлар, нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун “Пудратчи” буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.



Бундан ташқари, “Пудратчи” - қурилиш монтаж ишларини белгиланган муддатларни кечиктириб бажарганлиги учун ва мажбуриятни бажармасдан “Буюртмачи” ва “Пудратчи” ўртасида юзага келган низолар буйича етказилган зарар, жарима ва пеняларни ундириш бўйича мулкый жавобгар бўлади.

Пеня ва жарима тўлаш “Пудратчи”ни ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди. Зарарларга объектнинг қурилишини кечиктириш юзасидан “Буюртмачи”нинг Манфаатдор тараф олдидаги мулкый жавобгарлиги ҳам тааллуқлидир.

61. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш хужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда “Буюртмачи” “Наманган қурилиш назорат инспекцияси”нинг хулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек “Пудратчи”дан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қонунда белгиланган тартибда жарима ундириш ҳуқуқига эга.

62. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

63. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди. Хар қандай аниқланган зарар ва сифатсиз ишлар пудратчи хисобидан бартараф этилади.

#### XV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

64. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун хужжатларида белгиланган тартибда **Наманган шаҳар иқтисодий суд** томонидан кўриб чиқилади.

#### XVI. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

65. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

Агар “Пудратчи” шартнома бўйича ишлар яқунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса у ҳолда буюртмачи пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

66. “Пудратчи” қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

67. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

68. «Буюртмачи» билан «Пудратчи» ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

69. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун хужжатлари нормалари қўлланилади.

70. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.



XVII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ  
ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

«БУЮРТМАЧИ»

«ПУДРАТЧИ»

«NAMANGAN DAVR QURILISH» МЧЖ

Манзил: Наманган шаҳар, Жанубий айланма  
йўли 40 уй.

Хисоб рақам 2020 8000 7040 3380 3001

БАНК "АТБ Ипак йули Наманган булими

МФО 01054

СТИР 203154537

"NAMANGAN XALQARO AEROPORTI" M.CH.J.  
160127. Namangan sh. Tel: (69) 228 69 25. (69) 228 69 35.  
X/R: 20210000300227584C05  
"Milliy bank": Namangan filiali. MFO: 00222.  
OKED: 52230. INN: 200948116.



Имзо

10 2022 йил.



М.Ў.

Имзо

10 2022 йил.

Мазкур шартнома мазмуни ва бандларига кўрсатилган талаблар, томонлар мажбурияти, ўзаро ҳисоб-китоб ва бошқа қўшимча шартлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 354. 355. 357. 364. 366. 631. 665-685-моддалари талаблари асосида ва Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонунинг 10-13 моддалри ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ҳуқуқий экспертиза қилиб, шартнома лойиҳаси амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мос келишлигини аниқладим.

Юқоридагиларга кўра ушбу шартнома лойиҳасида томонларнинг тенг ҳуқуқли ва бир хилдаги манфаатлари назарда тутилган бўлиб, шартномани имзолашни тавсия қиламан

бош юристконсульти

20

йил «\_\_»

Юрмеин

Челес

У. Асиратов



Наманган халқаро аэропортидаги АВК-1 ва АВК-2 терминалларини реконструкция қилишга  
Қурилиш монтаж ишларини бажариш жадвали.

Ишнинг номи ва турлари	Ишнинг бошланиши	Ишни якунланиши	Эслатма
Наманган халқаро аэропортидаги АВК-1 ва АВК-2 терминалларини реконструкция қилишга	Пудратчи ҳисоб рақамига аванс тушган санадан бошлаб 29.10.2022 й	Иш бошланган кундан бошлаб 9 (тўққиз) ойда 20.07.2023 й	

"Namangan xalqaro aeroporti" MCHJ  
директори




«NAMANGAN DAVR QURILISH» MCHJ  
директори





Наманган халқаро аэропортидаги АБК-1 ва АБК-2 терминалларини реконструкция қилишга  
молиялаштириш жадвали.

Ишнинг номи ва турлари	Ўл. бир.	Микдор и	2022 йил			Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июн	Июл	Кафолат сумма 5%	ЖАМИ	Кафолат даври (муддати)
			Октябрь	Ноябрь	Декабрь										
Шартнома бўйича уқумий қурилиш монтаж ишлари қийматининг 15 фонд микдоридан аванс тўлови.	Сум	Об	6206891713											6206891713	
Аванс тўловини ҳисобга олган ҳолда бажарилган ишлар бўйича жорий молиялаштириш	Сум	АБК-1					2407799995	6171446758	7007406758	5590614833				21177268343	2024 йил июл ойи
Аванс тўловини ҳисобга олган ҳолда бажарилган ишлар бўйича жорий молиялаштириш	Сум	АБК-2		245099604	385981200	1320000000	4355505307	5194349215	425218800					11926154126	2024 йил июл ойи
Шартномада белгиланган кафолат муддати объект фойдаланишга топширилгандан сўнг қолган 5 фондзли ажратма	Сум												2068963904	2068963904	
Жами:			6206891713	245099604	385981200	1320000000	4355505307	5194349215	2833018795	6171446758	7007406758	5590614833	2068963904	41379278086	

"Namangan халқаро аэропорти" МЧЖ  
директори:



«NAMANGAN DAVR QURILISH» МЧЖ  
директору:

